



Хабарлар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

Habar@aci.uz

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2003 yil, 23 may, 21 (558)-son

Sotuvda narxi erkin

САХОВАТПЕША АЛОҚАЧИЛАР

Хоразмда ўтказилган "Умид ниҳоллари — 2003" республика спорт мусобақасида 2,5 мингдан зиёд мактаб ўқувчилари иштирок этиб, замонавий ўйингоҳларда спортнинг 12 тури бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Мусобақа иштирокчиларига барча зарур шарт-шароитлар яратилгани боис Хоразм заминидан улар ўзларини уйларидан юргандек ҳис этдилар.

Одатда ёш ўғил-қизларимиз дарров ота-оналарини соғиниб қолади ва соғ-саломат юрганликларини уларга билдиргиси келади. Шуларни эътиборга олган ҳолда вилоят ҳокимлиги ва "Хоразм Телеком" филиали жамоаси ёш спортчиларга қўлай шарт-шароит яратиб берди. Улар жойлашган турар жой биналарида шаҳар ва шаҳарлараро бепул телефон сўзлашуви ташкил қилинди.

— Вилотлардан келган ўқувчилар учун йигирма битта жойда қуноқ тун ишлайдиган бепул телефон нуқталари ўрнатдик ва телефончиларни шу жойларга бирктиб қўйдик, — дейди "Хоразм Телеком" филиали директори Ортикбой Оллабергенов. — Ёш спортчиларимиз ўз яқинлари билан бемалол боғланишларига имкон яратганимиздан беҳад мамнун бўлишди. Мусобақа жараёнларини ёрिताётган оммавий ахборот воситалари вакиллари унун ҳам бепул Интернет ва факс хизматлари кўрсатилди.

Беллашувлар Хива, Богот, Шовот, Янгибозор, Урганч, Хазорасп, Хонқа туманлари ва вилоят марказида ўтказилди. Урганч шаҳридаги учта штаб, "Хоразм" спорт мажмуаси, Урганч Давлат университети, Машиш хизмат, Қурилиш ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги касб-хўнар коллежлари, Олимпия заҳиралари коллежи, "Бого эрам" сўхатгоҳи, "Жайхун" ва "Авесто" меҳмонхоналари, 96-сон мактаб-интернатларида телефон тармоғининг узлуксиз ишлаши таъминланди. Ҳақамлар ва мусобақа ташкилотчиларига ҳам 13 та уяли телефон ва 12 та рация бепул фойдаланишга берилди. Телевидение ва радио учун тўғридан-тўғри кўрсатув ва эшиттиришлар

берил борадида барча шарт-шароитлар мўқайё қилинди.

"Умид ниҳоллари — 2003" мусобақаси қатнашчиларининг кўнгилли ҳордик чиқаришлари учун Урганчдаги "Авесто" боғи мажмуасида қатор шоу-концертлар ўтказилди.

Спортчи ва меҳмонларнинг бўш вақти мазмунли ўтишида Хоразм вилояти "Матбуот тарқатувчи" масъулияти чекланган жамияти ходимлари ҳам катта ҳисса қўшишди.



— Меҳмонларимизнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун ўн бешта жойга асосан газета-журналлар етказиб беришни йўлга қўйдик. Хоразм спорт ўйинлари ўтказиладиган жойлар ва ётоқхоналарда муштарийларимизни севимли матбуот нашрлари билан таъминлаб турдик. Шунингдек, "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаси матбуот марказига бепул нашрлар етказилди, — дейди Хоразм вилояти "Матбуот тарқатувчи" МЧК директори Фуломбой Шарипов.

Бир ҳафта давом этган баҳсларнинг кўнгилли ўтказилишида саҳоват кўрсатган Хоразм вилоят алоқа корхоналари ходимларида спортчи ва ишқубозлар ўз миннатдорчилигини билдиришди.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,
Хоразм вилояти

ДАВЛАТ АЛОҚА

ИНСПЕКЦИЯСИ КЕНГАШИДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мажлислар залида Давлат алоқа инспекцияси ходимларининг Кенгаши ва ўқув семинар машғулоти бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Избосаров, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ишчи органи раҳбарининг ўринбосари И.Носиров, Давлат алоқа инспекцияси бошлиги, бошлиқ ўринбосарлари ва ходимлар иштирок этди. Кенгаш ишиси Давлат алоқа инспекцияси бошлиги Ш.Обидхўжаев олиб борди.

Кенгаш кун тартибидаги биринчи масалада "Давлат алоқа инспекцияси ва унинг таркибий бўлинмаларида текширишларни тартибга солишга доир қўнунчилик талабларига амал қилиш ва текширишлар самардорлигини ошириш бўйича Республика назорат органларини мувофиқлаштириш Кенгаши ва унинг ҳудудий комиссиялари томонидан ўтказилган мониторинг натижалари тўғрисида" Давлат алоқа инспекцияси бўлим бошлиги М.Холхўжаев маърузаси тингланди. Давлат алоқа инспекцияси маъсул ходимлари ва инспекторлари томонидан текширишларни ўтказиш ва далолатномаларни расмийлаштиришда, кўрсатмаларнинг берилиши ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлашда қўнун, қўнун ости ва меъёрий ҳужжатлар талабларининг бузилишларига йўл қўйилмаётгани рўй-рост гапирилди.

Муҳомадада Андижон, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри Давлат алоқа инспекцияси бошлиқлари Р.Таваккалов, Ж.Муратова, Ф.Умархўжаев, А.Ғофуров, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Избосаров, Давлат алоқа инспекцияси бошлиги Ш.Обидхўжаев ва Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ишчи органи раҳбарининг ўринбосари И.Носировлар сўзга чиқашди.

Кенгаш кун тартибидаги иккинчи масала — "Давлат алоқа инспекциясида 2003 йилнинг I чораги давомида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳўжалик юритувчи субъектлари фаолияти устидан давлат назоратининг олиб берилиши ва келгусидаги режалар тўғрисида" Давлат алоқа инспекцияси бошлигининг

биринчи ўринбосари А.Ғойипов, бошлиқ ўринбосарлари Т.Бикметов, А.Маннопова ва бўлинма бошлиқларининг ҳисоботлари тингланди. Маърузаларда 2003 йилнинг I чораги давомида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳўжалик юритувчи субъектлари фаолияти устидан давлат назоратининг олиб берилиши бўйича бўлинма, таркибий бўлинмалар томонидан йўл қўйилган камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ҳисобот даврида олиб борилган ишларга танқидий баҳо берилиб, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида йўл қўйилмаётган камчиликлар ва нуқсонларга барҳам бериш ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш борасида тавсиялар берилди. Кенгашда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кенгашдан сўнг Давлат алоқа инспекцияси ходимлари учун семинар-машғулотлар ўтказилди. Уни Давлат алоқа инспекцияси бошлиги ўринбосари Т.Бикметов олиб борди.

Семинарда Республика ҳўқуқий маърифат маркази раиси, юридик фанлари номзоди, доцент М.Ғуломов ва Республика "Маънавият ва маърифат" маркази бўлим бошлиги, педагогика фанлари номзоди А.Акмаловларнинг "Конституция ҳўқуқий таъминимиз", "Миллий истиклол гоёсини" ва мафқурасининг мақсад ва вазифаси тўғрисида" маърузалари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўқув машғулотида У.Исроилонинг "Телекоммуникациялар тармоқларида сифат самардорлигини ошириш, кўрсатма ва далолатномаларни расмийлаштириш талаблари тўғрисида", М.Абдуразақованин "Телекоммуникациялар тармоқларида ахборотлар хавфсизлиги, хавфсизликнинг мазмун ва моҳияти", Ш.Каримжоновнинг "Ахборотлар хавфсизлиги, мақсади, моҳияти ва амалга ошириладиган ишлар тўғрисида", Н.Сапронованин "Статистик ҳисоботлар таҳлили, молиявий санжўмалар (жарималар) ҳисоби, бирламчи ҳисобот ва ҳисоботлар ҳаққончилигини таъминлаш чоралари тўғрисида", Н.Каримовнинг "Телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш хизматларини кўрсатаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш далолатномалари кўрсатмаларини расмийлаштириш тартиблари тўғрисида", Г.Полубенченконинг "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида мурожаатлар бўйича бирламчи ҳисоботлар ва статистик ҳисоботларни юритиш тартиби ва ҳаққончилигини таъминлаш тўғрисида"ги маърузалари батафсил ўрганилди.

Семинар қизгин баҳс-мунозара ва савол-жавоблар остида ўтди.

Д.ҚОСИМОВА,
Давлат алоқа инспекциясининг Меъёрий ҳўжатлар бўлими 2-тоифали муҳандиси

"UZ" ДОМЕНИ МИЛЛИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛДИ



Интернет манзиллари маъмурияти (Internet Assigned Numbers Authority, IANA) ҳамда АҚШ тижорат департаменти билан келишилган ҳолда қўнунга ўрнатиш ва урчашулардан сўнг "UZ" юқори доменини бошқариш ҳўқуқи Компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази "UzInfoCom"га берилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бундай қарорни қабул қилиниши сисий нуқтан назардан жуда муҳимдир, чунки юқори доменини бошқариш ҳўқуқи давлатнинг муҳим таркибий бўлакларидан бири бўлиб, у ўз ўрнида Ўзбекистон Республикаси Муствақиллигининг рамзларидандир ва Ўзбекистоннинг жаҳон ахборот тизимларига интеграциялашаётганининг яққол далилидир.

Ҳозирги кунга қадар "UZ" миллий домени маъмурий бошқаруви "Eurasot Equipment GmbH" (Германия) компаниясининг Ўзбекистондаги вакили "Tomas" фирмаси орқали амалга ошириладиган эди. Эндиликда эса қабул қилинган қарорга асосан "UZ" юқори даражасида доменини бошқариш Германиянинг "Eurasot Equipment GmbH" компаниясидан Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига ўтди.

Айни пайтда "UZ" доменида икки ярим мингдан зиёд домен номлари рўйхатдан ўтган, аммо улардан Интернет тармоғида атиги 650 таси Ўзбекистон Республикаси резидентлари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Эндиликда Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонининг ўсиши ҳамда "UZ" доменида рўйхатдан ўтувчилар сонини ошириш ва бу йўналишни янада ривожлантириш мақсадида қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон ҳўкумати томонидан доменларни рўйхатга олиш тартибининг қўллаб-қувватлашининг асл моҳияти шундаки, "UzInfoCom" маркази "UZ" юқори доменини миллий сибсатни ҳўмос қилган ҳолда бошқаради. Бу эса ўз ўрнида Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонининг ортишига, рўйхатдан ўтказиш нарҳларининг арзонлашишига ва яна бошқа қўллаб қўлайликларга олиб келади.

"UzInfoCom" маркази — нодавлат корхона бўлиб, у республикада компютер ва инфомацион технологияларни ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида ташкил топганлир. "UzInfoCom" маркази ўз хизматлари доирасида АКТ дастурларини ривожлантиришга, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва талдиқ этишни

босқичма-босқич амалга оширишга қаратилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони ва соҳата оид ҳўкумат қарорлари асосида "UzInfoCom" маркази томонидан Тошкент шаҳрида ва республиканинг бошқа вилоятларида "UZ" зонасида рўйхатдан ўтган ахборот ресурслари сонини ошириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Таҳсиллар шунини кўрсатяптики, рўйхатга олишда хизмат ҳақининг қимматлиги қўллаб сайтларнинг ривожланишини сушлаштириб қўймоқда. Юқоридаги вазифаларнинг амалга оширилиши рўйхатдан ўтказишга тўланяладиган ҳақларнинг сезиларли даражада камайишига омили бўлади.

Бундан ташқари "UzInfoCom" маркази ўзининг техник хизмат кўрсатиш тизимини яратиб билан ҳам фойдаланувчиларга қўлайлик яратди. Натижада фойдаланувчилар ўзлари учун керакли бўлган барча маълумотларини ўз вақтида тўла-тўқис олишга ва юқори савиядаги хизматга эга бўладилар. "UzInfoCom" марказининг техник имкониятларини инобатга олган ҳолда рўйхатга олиш процесуралари осонлаштирилди, бу эса юқорида таъкидлаб ўтилганидек республикамизда Интернет технологияларини янада ривожланишига олиб келади.

Ўз муҳбиримиз

KELAJAK BILIMLI YOSHLAR QO'LIDA

УЙҚУСИЗ ТУНЛАРНИНГ ЁРУҒ ИҚБОЛИ

Чаман опа уйдан чиқди-ю, ишонаси томон шошилди. Кеча директор Тўракул Рустамов линотипчилар хонасига кириб, Чаман опага эртарақ келишни тайинлаган эди. Опа илдам одимлай бошлади. Унгидами ёки хаёлидами уйи биров чақиргандай овоз эшитилди. Почтачи "Хай-хай" лаганича опанинг ортидан югуриб келарди. "Тинчликмикан?" хаёлидан ўтди Чаман опанинг.

— Хушхабар борга ўхшайди, Ташкентдан сизларга хат келипти.

Почтачининг қўлидан хатни оларкан опанинг ранги бироз оқарди. Шоша-пиша хатхилдн очиб, мактубни ўқишга тутинди.

"Хурматли Назарбек ота, Чаманой она! Юртбошимиз Исрол Каримов раҳномалигида мустақил Ўзбекистоннинг равнақи, фуқароларнинг тинчлиги, оқойишталиги йўлида олиб борилаётган сазай-ҳаракатлар баркамол авлодни тарбиялашда ҳам сермахсул натижаларини бермоқда. Сизларнинг севики ва меҳрибон фарзандларингиз Жамшидбек Сангиров Тошкент ахборот технологиялари университети Радиотехника, радиоэшиштириш ва телевидение факултетининг 3-курсда замонавий билимларни эгаллаш билан биргаликда келажаги буюк давлатимизнинг мустақам пойдеворини бунёд этишда одоби, идроки ва билими билан намунавий талабалар қаторида бўлиб келмоқда.

Сизларнинг уйқусиз тунингиз, ҳаётингизнинг ҳамма жабҳасида сарф қилган меҳнатингиз, меҳрингиз, тарбиянгиз, жонқуяригингиз фарзандингизнинг ана шундай намунавий бўлишига сабабдир.

Наврўз яшариш, баҳор, бахт, меҳр-оқибат, қадр-қиммат байрами. Ўқиш ва одобда намунали бўлган фарзандни тарбиялаб вояга етказганликларингиз учун Наврўз байрами кунларида сизларга миннатдорчилик ва ташаккур изҳор этаман ҳамда байрам билан қутлаб,

фарзандлар роҳатини кўриш бахтини Аллоху таолодан сўраб қоламан.

Эҳтиром билан, ТАТУ ректори, техника фанлари доктори, профессор Содиқжон Собирович ҚОСИМОВ."

Чаман опанинг кўзларидан секинч ёшлари тирқиради. "Хайрият, яхшилик экан. Уйқусиз тунларимнинг мунаввар тоғлари отанлиги рост бўлсин", деди пичирлаб. Хушхабар олиб келганлигига ишонч ҳосил қилган почтачи ҳам қувониб кетди.

— Жамшидбекнинг тўйига албатта мени айтасиз.

— Энг биринчи сизни чақиртираман, — деди Чаман опа унга миннатдорчилик билдираркан. — Аллохга шукр, беш нафар фарзандларим ҳаммиса менга олқиш олиб келяпти. Ҳаммасининг тўйига айтаман.

Чаман Сангирова 30 йилдан буён Пастдарғом тумани босмахонасида линотипчи бўлиб ишлаб келади. Жамоадоллари уни ҳурмат билан "меҳрибон маслаҳаттўйимиз" дея ардоқлашади. Фарзандларини ҳам ёшлиқдан меҳнатга ўргатиб келганлиги, уларнинг келажаги ҳақида қайғураётганлиги сабабли маҳалланинг фаол онахонлари қаторидан ўрин олган. Умр йўлдоши Назарбек ота оддий уста. У дурадгор сифатида кўпнинг дуосини олиб юради.

Қобил фарзанд фақат ота-онасига эмас, маҳалла-қўйга ҳам обрў олиб келади. Жамшидбек эрта бир кун онасининг уни парваришлаб вояга етказган бедор тунларини ёруғ иқболга айлантиса ажаб эмас. Дунёда ўзинг экан ҳанҳолнинг ширин мевасидан лаззатланиш қанчалик роҳатбахш эканлигидан ортиқ бахт борми?!

Ғайрат БОБОКУЛОВ,
Самарқанд вилояти,
Пастдарғом тумани

SOVRINDORLARIMIZ

КАМОЛОТ ОИРЛАРИ

Тўғонча илк марта ишга келган кунларини мароқ билан эслайди. Ҳа, умрининг энг гўзал, энг беғубор фаслини хотирлаши одамда фақат ва фақат ёқимли туйғулар уйғотади. У ҳам энг ёш шогирд, энг ёш телефончи, жамозанинг эркатой кизи эди.

— Нега бу соҳани танлаганди?

— сўраб қолишарди дугоналари.

— Одамларнинг минг-минглаб чақирим олисдаги ҳарбий ака-укалари, яқин кишилари, қариндошлари билан бемалоқ гаплаштириш имконияти қўлингдан келса! Қандай аjoyиб-а? — дерди Тўғонча завқу дам билан.

Бундай серзавқ шавқлар ўз йўлига, бироқ қийинчиликлар ҳам баъзан кўз очирмади. Гоҳида 10-12 соатгача ишлашга тўғри келганини айтмаса ҳам бўлади. Биринчи кунлари кулоқларига "наушник"ни тутганда юраклари дукурлаб, бўзига тикилай деб қолганди. Нариги томондагилар мени тушунармикин? Улар кутган даражада тез хизмат қўрсатиш учун қанча муддат кетаркин? Очиги, аввалига "нариги томон" ундан кўпма рози бўлавермади. Айниқса, рус тилида эмин-эркин мулоқотни ўргангунча анча терлаб пишганди. Гоҳи кам-гаплиги, гоҳи оқиста овози ёки алоқани нисбатан шошилмай улаши ёқмасди мижозга. Ҳеч қандай сабабларсиз қойишлар остида қолган, бошқаларга аталган тайналарга рўпара бўлган пайтлар кўзларига беиктиёр ёш қўйилиб келарди.

Барибир касбга бўлган қизиқиш ва меҳр гоилиб келди. Машаққатлар ортда қолди. Ҳар

нечук "нариги инжиқ, талабчан ва нозик томон" билан ишончли муносабатлар қарор топди. Касбдошлар дилдан жой олди. Зиддиятли дамларда ўзини йўқотмади. Сабру қаноатни кўлдан бермай, қаршидаги ким бўлишидан қатъи назар — касбдошим, мижозми дўстона, хушмуомалалик билан муносабатда бўлишга ўзида куч топа билди. Қисқаси, жамоада ўз ўрнини топди. Узаро муносабатлар деб аталмиш "чўққи"ни маҳф этишга ҳам метиндек ирода керак бўлди.

Фарзандлари турмай юрак олдириб қўйган Ашуралӣ билан Одинахонлар оиласида дунёга келган қизалоқ исми-жисмига монанд бўлиб ўсди. (Тўрт нафар укалари ҳам бугунги кунда турли жабҳаларда ўз касбларининг усталари бўлиб етишишган) Тагли-туғли хонадонга келин бўлиб тушгани ҳам унинг вазминлиги, оқлаллиги шарофати эди. У айниса она бўлишдек буюк бахтга мушарраф бўлганидан мағрур. Турмуш ўртоғи Муроджон тadbиркор. Алоқачи аёлининг машаққатларига ҳам, қувончларига ҳам ҳар дам, ҳар дақиқада шерик. Ўғиллари Олимжон солиқчи. Не бахти, кизлари она йўлидан кетди. Ҳозир ёнида ишлаяпти. Лайлохонга қараб Тўғонча ўз ёшлигини эслайди. Таниш манзара — қачон қараса қуйиб-пишиб, жонини қойитиб ишлайди. Ҳар замонда кўзига ёш олса ҳам бировага озори йўқ, кўзга тик боқмайди, овозиға эрк бермайди. Жигарбандларини ҳам ўзи эришган мартабаларга етказсин, ишқилиб.

Энг қувонарлиси, кенжатоий Ўқтамхон онажони-сининг касбига қизиқиб қолган. Олий ўқув юртида таҳсил олиб, етук алоқачи бўлиш иштиёқиди. "Ўқиб келсам яроқсиз ҳолга келган техникаларни янгиларига алмаштираман, туманимиз марказида "Интернет-кафе"лар очаман", дея ният қилади умрининг бергур. Алоқачи аёл учун фарзандидан шундай ёқимли гапларни эшитишдан ҳам зийда саодатмандлик бўлмаса керак.

— Бултур Тўғонча опанинг меҳнатлари инобатга олиниб, "Шухрат" медали топширилганда, бутун жамоа биргаликда қувонди. Доимо иши билан ҳам, оилавий ҳаётда ҳам бизларга ўрнак бўлиб келаётган Тўғонча онамиз — азиз устозимиз билан фахрланиб кетдик, — дейди Обидахон Ғофурова. — Камтарин ва меҳнаткаш инсон билан бир сафда хизмат қилиб кам бўлмаётганимиз учун шукрона айтаемиз...

Яқинда "Фарғона Телеком" филиалидаги тadbирлардан бирида Бешарик телекоммуникациялар боғламаси телефончиси Тўғонча Ботиралиева билан суҳбатлашиб қолдик. Таърифлаганларича бор экан: беш нафар неваранинг бувижониси бўлса ҳам чехрасида диққатни тортувчи ажиб нафислик барқ уради. Кичик жуссасида мустақам ирода ва матонат мужжасам.

Ҳафиза САЛҲОҲОВА

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин!

"Ўзбектелеком" АК "Shaharlararo aloqa korxonasi" филиали жамоаси корхонанинг Шартномалар бўлими бошлиғи Ҳикматулла Нигматовга отаси **НИҒМАТ отанинг** вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдирлик изҳор этади.

"Узсвязьспутник" қўшма илмий ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси корхона менежери Владимир Кириленкога онаси **Полина КИРИЛЕНКОНинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.




ФОТОМОБИЛНИК УЧУН ЖАРИМА

Фотокамера ўрнатилган мобил телефонлари жиддий муаммо ҳам келтириши мумкин. Буни Буюк Британияда рўй берган воқеа яна бир қарра исботлади.

Мертир Тидфил қиролик суди (Merthyr Tidfil Crown Court)да ўтирганлардан бири — Дэвин Хюз ўз

уяли телефонини гувоҳлик бераётган киши томон қаратди. Бу ҳолатни полиция офицери кўриб қолди ва дарҳол Хюзнинг мақсадини амалга оширишига тўсқинлик қилди. Маълум бўлишича, Дэвин мобил телефони ёрдамида гувоҳни суратга олишни мўлжаллаган. Британ судида суратга тушириш эса мулақо таъқиқланади. Шу ернинг ўзида қонунбузар ҳибсга олинди ва суд олдида жавоб берди. Судя Жон Карран бу ишни



тезда ҳал қилди: Хюз судга нисбатан ҳурматсизлик қилганлиққа айбланиб, қилмиши учун 250 фунт стерлинг (400 доллар) миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлди.

Бу шу кўринишдаги ягона ҳодиса эмас. Ўтган йили фотокамерали телефонлар Саудия Арабистонида бутунлай ман қилинганди. Чунки аёлларни уларнинг рухсатисиз суратга олиш ҳоллари кўпайиб кетган. Бу эса мамлакатда амал қилинадиган шарият қонунларига бутунлай зиддир.

"КАВКАЗ-ЦЕНТР" ЁПИЛМАДИ

Ўтган ҳафта "Старман" эстон фирмасига тегишли Интернет-серверда жойлашган чечен сепаратистларининг "Кавказ-Центр" сайтини ёпиш борасида анча гап-сўзлар чикқанди. Аввалига сайт ёпилди дея маълумот тарқатилди. Бироқ кейинчалик мазкур сайт фаолиятига чек қўйилмаганлиги маълум бўлди.

Умуман "Кавказ-Центр" борасида Эстония томонининг қатъий қаршилиги йўқ. Фақатгина уни тўхтатишни Россия ҳукумати талаб қилмоқда.

Эстония бош вазири Юхан Партс таъкидлашича, сайт ҳукумат серверида жойлашмаган, шунинг учун унинг фаолиятига ҳукумат аралаша олмайди. Мавжуд қонун талаблари бузилган тақдирдагина бу иш кўриб чиқилиши мумкин.

Россия томони эса ўз талабини тўхтатгани йўқ. Ҳатто талаб ижобий томонга ўзгармаса Эстония ва Россия ўртасидаги муносабатларга ҳукмат қилиши мумкинлиги ҳам таъкидланмоқда.

ЙЎЛДОШЛИ ТАРМОҚ

Қирғизистон ҳукумати мажлисида республикада телерадиоузатишнинг икки босқичда амалга ошириш режалаштирилган йўлдошли тармоғини яратиш бўйича лойиҳа тақдим этилди. Биринчи босқич — узатиб берувчи сунъий йўлдош станциясини қуриш ва йўлдошли приёмникларни ўрнатиш. Биринчи босқичнинг жами харажатлари тахминан 1,55 миллион долларни ташкил этади. Иккинчи босқич телевидение дастурлари қабул қилмайдиган жойларда йўлдошли приёмниклар ва автоматик телевизион ретрансляторларни ўрнатишдан иборат. 2-босқичнинг жами хара-

жатлари 0,7 миллион долларни ташкил этади.

Ҳолбуки, "Қирғизтелеком" АЖ акцияларининг назорат пакети сотиш бўйича тендерга яқун яшаш ноаниқ мuddатга кўчирилиши мумкин. Бошида буни 2003 йил, 31 мартда ўтказиш кўзда тутилган. Бироқ узоқ ва яқин хорижнинг 13 телекоммуникация компаниялари вакиллари томонидан тендер мuddатини кўчириш илтимослари тушган. Тендерда иштирок этишга Жануби Шарқий Осиё, Хитой, Туркия, Швеция, Ирландия ва Норвегия компаниялари ўз қизиқишларини билдирдилар.

Internetdan olindi



ЭХРОМЛАР

Бир неча йиллик орзуим ушалди. Кўҳна Мисрга саяхат қилиш бахтига муяссар бўлиб. Уша ерда, аэропортнинг ўзидаяқ йўлбошчи билан таништиришди. У бизга стол устида сочилиб ётган реклама лойиҳаларидан бирини олиб кўрсатди ва бир неча кун Қоҳира шаҳрида айланиб келишни маслаҳат берди. Дўстим билан ўйлаб қолдик: автобусда олти кулик йўл, шовкин-сурон, бошқа томондан Хургад шаҳрида икки ҳафта нима ҳам қилардик. Маслаҳатлашиб олгач, саяхатни давом эттиришга қарор қилдик. Йўлбошчи таклиф қилган маҳаллий авиатармоқнинг кичкина самолётларидан фойдалансак ҳам бўларди. Аммо йўл буйлаб дуч келинажак саргузаштлару томошаларга нима етсин. Хуллас, "ер усти" вариантини танладик.

Бир-икки кун ўтиб, "Мерседес"нинг йирик ойналари ортда тошлар худди жонсиз табиат кўйида сукунатга чўмгандек кўзга чалина бошлади. Алдамчи, қуруқ ва шавақтисиз гўзаллик! Қачонлардир бу ерлар саховатли Нилнинг қароматидан баҳраманд бўлган. Ана, узоқлардан тонгги қуёш нуруларида товланиб, дарё ўзининг ўзи ҳам кўринмоқда. Минглаб ёввойи жонотлар чанқоғини қондириш илжинда дарё қирғоғига шошилишмоқда. Буларнинг барини умр давомида бир бор бўлса-да, ўз кўзинг билан кўриш керак...

Бир зайдда бораётган автобус дунёнинг энг аjoyиб шаҳарларидан бири — Қоҳирага яқинлашди. Бу ерда ҳаво ҳам, ҳаёт тарзи ҳам ўзгача. Қоҳира аввало гаройиб кўриниши ва арабча бозори билан бизни ўзига ром этди. Бироқ фақат шунинг ўзи бўлса қанийди... Шундоқгина улкан автобусимиз тилпараклари остидан сирпанганича Қоҳира таксиси бурилиб, йўл нечта тўхтади. Жиддий ҳалокатга йўл ҳисса сантиметрлар етмагандай

туюлди. Автобустадагилар ўзларини йўқотиб қўйишди. Бироқ икки ҳайдовчи очик ойнадан

бамайлихотир алламбалолар деб гўлдирашдида, йўлида давом этишди. Йўлбошчи бу ҳолатнинг ҳечам ҳайратланарли жойи йўқлигини, Қоҳира йўлида қимнинг транспорт сигнали балан бўлса, қонун ўша тарафда эканини таъкидлади. Бу ерда хоҳлаган киши, ҳеч қандай ҳужжатсиз рулга ўтириши мумкин экан. Фақат бир шарт билан — кўчаннинг истаган тарафидан, истаган томонига ҳаракатланаётган воситалар орасида ўз йўлини топиб юришга куч топа билса бўлган.

Транспортни бошқариш усулларини муҳокама қилганча, режа бўйича белгиланган жойга қандай қилиб қолганимизни сезмай ҳам қолганимиз. Тилла-қирмизи, шохонвор, шаҳарга худдики асал устидаги олчакдек Султон Ҳасан мадраса-масжиди қаршимизда қад ростлаб турарди. Уни зиёрат қилиш давомида ҳеч ким "мик" ҳам этмади. Ҳамма ҳайратдан лол эди.

Автобусимиз яна ўз ўрнидан қўзғалди. Ойна олдига ҳойлашиб шаҳарнинг "ўлик" қисминини томоша қилиб борардик. Йўл атрофида жуда катта, асрлар давомида бунёд бўлган қабристон гўё тутанмасдек. Ҳайратгаий таассурот...

Қоҳира — мўъжизалар шаҳри. Бунга амин бўлиб улгурдик. Бироқ ўша, бизни келишга мажбур қилган энг асосий мўъжиза қани?... Йўлбошчи илк таассуротларни бузмаслик мақсадида сукут сақлаб ўтирди. Йўл

атрофидаги палмаларни ортда қолдириб, ўнгла қайрилганимизда бизни этни жимирлатиб, мулктер чикарган абалыт қарши олди. Осмоннинг Жануби-шарқий томонидан кўтарилаетган қуёш эҳтиромларни янада яқинроқ қилиб кўрсатмоқда. Эҳромлар!.. Улар суратларда катта, кўз ўнгимизда эса жуда баҳайбат. Миср сулоласининг фиръавлари Хуфу (Хеопс), Хафра (Хефрен) ва Мекерен учун бунёд этилган бу обидаларни вақт ҳам, беш минг йиллар давомидаги босқинчилар ҳужуми ҳам мавҳ этолмаган. Фақатгина Урта асрларда араблар эҳромлар деворлари юзасидан гранитли қопламани олиб кетишган. Бир эҳромнинг тепа қисмидагина бу қоплама сақланиб қолган.

Мақтабда тарих дарсидан минглаб куллар бир неча тонналик тошларни ўз елкаларида судраб келиб эҳромларни қурганлар деб ўқитишган. Лекин замонавий илм-фан бу қарашни бутунлай рад этмоқда. Биринчидан, эҳромларни куллар эмас, "ишчилар" қурган дея бундан 2,6 минг йил аввал ёзғанди Геродот. Қурилиш ишлари бир неча йўналишдан иборат бўлган ва қатор соҳа вакиллари тинимсиз меҳнат қилган: Курувчи-усталар, юз минглик ишчилар армиясини овқатландирувчи ошпазлар, ўша вақтларда муҳандислик

ЎЗ СИРИНИ ОЧИШТА ШОШИЛМАЯТТИ

вазифасини ўтаган меъморлар... Бўлажак "Тошлар тоғ"ни битказиш учун бутун бир ҳайкатларошник ва керамика анжумани, қурилиш ашёлари оморлари, жамоат уюнаси ва ҳатто касалхонами ўзида жамлаган шаҳар мавқуд бўлган. Қазилмалар чоғида топилган папирусда ёзилганча, эҳром қурувчилари ўзларини "Хеопснинг дўстлари" деб ҳисоблаган. Хуллас, улар Фиръавн мурирлари томонидан қишлоққа-қишлоқ юриб йилгилан эркин деҳқонлардан иборат "шартномачи"лар бўлишган. "Муқаддас иш"ни қулларга ишониб топшириш ҳеч қимнинг ҳайлига ҳам келмаган. Тахминан эримиздан аввалги 1100 йилларда ишчилар инсоният тарихидаги биринчи иш ташлангани амалга оширишди. Сабоби натура — дон ва озиқ-овқат маҳсулотлари шаклида тўланадиган меҳнат ҳақининг ўз вақтида берилмагани эди. (Нилда сув кам келиб, экин-тикин қилиш қийинлашган йилларда, далада маҳсулот этиштиргандан кўра фиръавиларнинг эҳром қурилишида тўлаган ҳақи учун ишлаш анча фойдали эди.) Эҳромлардан биринли қабрган топилган папирусда ҳатто вазирага номийишчиларнинг мурожаати ҳам бор: "Биз саҳрода кам бўйи чанг ютганча меҳнат қилмадик. Ейишга эса ҳеч вақомиз йўқ. Етар, қолганини қурбинг етса ўзинг қур". Шуниндек, эҳром қурувчилари скелетини ўранувчи суд медицинаси мутахассисларини

SAYOHAT

рентген ёрдамида уларнинг суяк жароҳатларини махсус ёғоч шиналар ёрдамида даволашганини аниқлашди. Шу билан бирга яна қўллаб жароҳатли ишлари амалга оширилгани маълум бўлди. Куллар билан бундай муносабатда бўлишлари мумкинми?

Мақтабда эшитганларимизда яна бир хатolik мавжуд. Мен улкан тошлар ҳақида айтганман. Эмнишки, бу тошлар аввалига Нилдан олиб ўтилган, сўнг эса баландлиги эҳромлардек келган тепаликлардан ташиб келинган. Ҳозирда эҳромларнинг биринчи муҳандиси — Имхотеп тўғрисидаги гаплар бизга маълум. Айнан у эҳромлар лойиҳасини тайёрлаган. Агар 147 метрлик эҳромни қуришга иштирокчилар тошларни куллар томонидан ташиб келишга келган вақтни ҳисоблаб чиқсак, Хеопс ўзи учун тайёрланган қабрни қуришга тахта ўтирмасдан бурун буйруқ берган деган тахмин пайдо бўлади. Бу тахмин эса ҳақиқатдан анча йироқ. Юқорида тилга олиб ўтилган муҳандис Имхотепнинг энг катта кашфиёти лойиҳаси эмас, бетонни кашф этганидир. У шу ернинг ўзида чўлдан қум, гранит ва бошқа қоришмаларни сув билан аралаштириб, улкан тошлар тайёрлаган. Иссиқ Африка қуёшида аралашма ларвор қотиб, тошга айланган. Шундай қилиб, узоқлардан улкан тошларни ташиб келишнинг кераги бўлмай қолди. Усталар қоришмалар махсус қолдида ҳар хил шаклгаги куймалар тайёрлаб бера бошлаганди. Бунга ўша "Тош"лардаги муқаддас рамзлар ҳам ишбоғлайди. Уларнинг деярли барчаси бир хил. Усталар тошда бундай ўхшаш белгини ўйиб қолдиришлари мумкин эмасди. Турироғи, рамзлар қоришма қуришдан туриб махсус траффер орқали қўйилган эди.

Эҳромлар яна кўп сирларни ўзи билан сақлаб ётибди, бироқ буларнинг барчасини биргина саяхат давомида таърифлаш мумкин эмас. Сунгги хулосани чиқаришга ҳали эрта. Энди эса Қоҳира музейи ҳақида. Музей икки асрга бурун қадимий буюмлар, тарихий қўлёзмалар, хуллас қабрлардаги турли хил антиквариатларнинг йўқолиб кетмаслиги учун ташкил қилинган. (Бу ерларни олимлар тадқиқ қилмасдан аввалроқ маҳаллий аҳоли бебаҳо бойликларини Европага сотишни бошлаган эдилар.) Афсувчи, музейда суратта тушириш таъқиқланган. Нефертити, Рамсес II, Маат маъбудасига тегишли буюмлар... Бу тарихий қаҳрамонлар Гомер тугилмасдан бурун, ҳатто Троя жанги қаҳрамонларидан ҳам аввалроқ мавқуд бўлишган. Менинг сизга маслаҳатим: бу муқаддас масканга келишдан аввал миср мифологиясини ўқинг! Шундангина унинг сирларини оқишингиз осонроқ кечди. ... Автобуста қайтарганимиз, ҳамма ўз хаёли билан бағд эди. Бироқ иншоним қомилки, бичарининг ўли Қоҳира мўъжизалари! Музей ходими саяхатдан кейин барчамизга аjoyиб варақа тарқатди: "Миср санъат музейи барча ҳоҳловчиларга Интернет орқали ҳайвонлар мўъясини таклиф қилади. Бу ердан мушук, илон, тимоҳқ эки бир қушнинг буюртма қилиш мумкин. Уларнинг нархи 60 дан 1000 долларгача туради..."

У.ЙЎЛДОШЕВ ва Л.ТУРСУНОВАлар тайёрлашди

БИЛАСИЗМИ?

- Томас Эдисоннинг коллекциясида 5000 та кутуб бўлган.
- Альберт Эйнштейн уч ёшга тўлгунча гапирмаган.
- Балзак бўйинбоғ ҳақида бутун бир китоб ёзган.
- Юзта нолдан иборат сон гунол деб аталган.
- "Эссе" сўзи французчадан таржима қилинганда "тажриба" деган маънони билдиради.
- Дунёнинг қўллаб тилларида "Она" сўзи "М" ҳарфи билан бошланади.
- 1968 йилдан 1990 йилгача АКШда асосан зуравонлик кўришчиларидан иборат 10 мингдан ортиқ фильм суратга олинган. 2002 йили Ҳолливудда 132 та фильм ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг 49 таси зуравонлик ва ёвузлик саҳналаридан иборат.

МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

Яқин дўстларидан бири таниқли композитор Антон Рубинштейндан сўради: — Маэстро, сир бўлмаса айтинг-чи, нега ҳар кунни соғлаб машқ қиласиз? Ахир усиз ҳам аъло даражада икром эга оласиз-ку! — Биласизми, — жавоб қилиш бастакор, — бир кун машқ қилмасам — бунга ўзим, икки кун машқ қилмасам — шогирдларим, уч кун машқ қилмасам — томошбинлар сезади!

Олий табақага мансуб бир китби машҳур мусаввир Виллиам Ҳогарт ҳузурда расмини чиздириди. Портрет айнан ўзига ўхшар, шунинг учун ҳам у жуда хунук чиққанди. Натяжада бюртмачи уни олишдан бош тортиди. Жаҳли чиққан Ҳогарт унга уч кун муҳлат бераркан, "бордию шу вақт ичида олиб кетмасангиз, фигурага боғлаб битта дум ёпиштиранман-да, асарини "Олам-майму" номи билан пуллаб юбораман" деб пўнуса қилди. Шармисор бўлишдан қўрққан ҳалиги одам эртасигаёқ расмини олиб кетишга ва уни ёқиб ташлашга мажбур бўлди.

Астар-аврасигача саваланган ёш драматург танқидчининг аччиқ сўзларидан нолиб, Герхард Гауптманга дардини ёрди. — Кўп қуонаверманг, қимматли дўстим, — дала беради Гауптман. — Тевариф-атрофга бир назар ташлаб чиқинг-а! Бутун дунё шон-шухратга лойиқ санъаткорлар, ёзувчилар, рассомлар ҳамма композиторларнинг ёдгорликлари билан тўлиб ётибди. Айтинг-чи, ахир сиз умрингизда бирон танқидчига ўрнатилган ҳайкал ёки унинг номи билан боғлиқ тарихий обидани кўрганмиш?

Ш.ЭРГАШЕВ тайёрлаган

ГЁТЕ ҲИКМАТЛАРИ

Санъат — таърифлаб бўлмайдиган нарсаларни акс эттириш воситасидир.

Шон-шухрат излаб топилмайди. Шунинг учун уни таъқиб қилиш ҳам, кетидан югуриш ҳам бефойда.

Гўзаллик ҳамма жойда орзиқиб қутуладиган меҳмондир.

Энг янги замоннинг энг аса ёзувчиларини бизга янги нарсалар тақдим қилганликлари учун эмас, балки шу нарсалар ҳақида илғари ҳеч айтилмагандай қилиб гапириб берганликлари учун аса деймиз.

Инсон бўлмоқ — курашчи бўлмоқдир.

Фақат тажрибатиға инсонни ҳаёт лаззатларини қадрлашга ўргата олади.

Бизнинг эҳтиросларимиз самандар қушга ўхшайди: биттаси куйиб кулга айланган заҳоти, шу кул ичида бошқиси бош кўтарди.

Фарзандларига оталик ҳам қила олган аёл энг яхши аёлдир.

TABRIKLAYMIZ!

"Наманган почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси қорхонанинг Почта ташитиш ва тарқатиш бўлими бошлиғи Баҳриддин ҒОҒУРОВНИ 60 ёшга тўлиши муносабати билан чин юракдан муборакбод этлади. Унга узоқ умр, সিҳат-саломатлик, онлайий хотиржамлик, ишларида муваффақиятлар тилайди.

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир вазифини бажарувчи:
Иззат АХМЕДОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Алишер ХУҲАЕВ,
Шухрат ЖАББОВ,
Шодмон ОТАБЕК
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирғўлнат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

Маърузилик: 700000, Тошкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1-уй.
Тел.: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Фекс: 136-36-42.
Habar@aci.uz
Индекс: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат маъбуот қўлмасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Бюртма №Г-424.
8934 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳақми 1 босма табоқ.

Газета таърифиёт компютер базасида терилди ва сақлаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.

Маърузи Тошкент шаҳри, «Булак» Тўроғи кўчаси, 41-уй.

Матн терувчи: Д.МАТКУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш.КИМсанБОВ

Босишга топшириш вақти — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00